



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ТОМОНИДАН ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХУЛҚ-АТВОРЛИ ШАХСЛАР БИЛАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Рамазонова Рухшона Шухратовна

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 2-курс 226-
гурух курсанти

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси ўқитувчиси
майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15253686>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2025

Accepted: 20th April 2025

Published: 21st April 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз-амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмади. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усуллари аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

¹ Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.

бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда².

Ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасини ташкил этиш йўналишлари тушунчасиҳақида сўз юритишдан олдин ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг умумий асослари ва ўзига хос хусусиятлари,шунингдек, асосий чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади: шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи; шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори; ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги; содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун қуйидагилар асос бўлади:

шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори тўғрисида; унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади. Ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат: профилактика суҳбати; расмий огоҳлантириш; ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шартшароитлар тўғрисида хабардор қилиш; ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш; профилактик ҳисобга олиш; мажбурий даволанишга юбориш; маъмурий назорат. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Профилактик суҳбат. Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқатвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқатворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади. Профилактика суҳбати шахсни профилактик ҳисобга қўйишда ҳам ўтказилади.

Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган вакили томонидан ўтказилади. Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган ерда, шунингдек шахснинг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади. Профилактика суҳбати давомида шахснинг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади. Илгари ўтказилган профилактика суҳбати ижобий

² Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ҳолларда, унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади.

Расмий огоҳлантириш. Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқатворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади. Расмий огоҳлантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси томонидан чиқарилади ҳамда шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилишга ҳақли. Расмий огоҳлантиришнинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир тури профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида ўзининг тутган ўрни ва аҳамияти билан бир биридан ажралиб туради. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг муайян бир турини амалга ошириш орқали эришиш мумкин бўлган натижага бошқа тури орқали эришиш мушкул ва самарасиз ҳисобланади. Шу жиҳатдан, профилактик чора-тадбирларнинг ташкил этилишида мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, унга нисбатан амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирнинг турини аниқ белгилаб олиш кўзланган натижага эришишда муҳим аҳамият касб этади. Жамиятда учрайдиган ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлар қандай сабаб ва шароитда содир этилмасин ҳуқуқбузарликка мойил шахслар томонидан содир этилади. Мазкур тоифадаги шахслар ўз навбатида алоҳида назоратга ва тарбияга муҳтожлигидан келиб чиқиб, улар билан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактик ишлари ташкил этилади ва бу ўз навбатида уларни нормал турмуш тарзига қайтаришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур тури якка тартибдаги профилактика объектига (ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахслар ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахслар) самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Хусусан, бу борада профилактика субъектлари ўзига нисбатан якка тартибда профилактика иши олиб борилаётган шахсларнинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойи кабилар), маънавийруҳий (эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий жараёнларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, меҳнатга, ўқиш ва ишга, ёнatroфидагиларга бўлган муносабати, дунёқараши, темперамент ва характери

кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғлиғи, генетик хусусиятлари, жисмоний тузилиши, жисмоний ва руҳий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини ўрганиши ҳамда ўрганиш натижалари асосида якка тартибдаги профилактик чоратадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мумкин.

Юридик психологиядаги асосий масалалардан бири, аввало, шахснинг мотивацион соҳаси ташқи муҳитдаги муайян омиллар билан ўзаро алоқадорликда ушбу шахс учун криминоген вазият яратиши мумкин бўлган ички шахсий шарт-шароитларни ажратиб олишдир. Баъзан салбий хулқнинг муайян шакллари шахснинг дастлабки эҳтиёжлари билан боғлиқ шарт-шароитлардан узилган ҳолда якка-ю ягона манфаатга айланади. Фитна, ғийбат, тухмат, бошқаларга кўнгилсизликлар етказиш, жанжаллар – кўпинча шахснинг ўзини қарор топтириш ва ижтимоий фаоллигини намоён этишнинг бузилган шакли сифатида юзага чиқади. Бир қарашда бемаъни туюлган жиноятлар ҳам жиноятчи учун муайян маънога, шахсий аҳамиятга эга бўлади. Ҳар қандай жиноят жиноятчи шахсининг эҳтиёжи, манфаат ёки қарашлари билан муайян тарзда боғлиқ бўлади. Шахсдаги билим савиясининг пастлиги, онгнинг ривожланмаганлиги, содир этилаётган хаттиҳаракатнинг оқибатини англай олмаслик, ўзини идора қила олмаслик, яъни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар инсонни ҳуқуқбузарлик содир этиш сари етаклайди. Оқибатда бундай одамлар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда шахсга қарши жиноятларни, яъни қотиллик, баданга оғир шикаст етказиш, қийнаш каби инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши тажовузларни ўйламасдан, осонгина содир этадилар. Бундай тоифадаги шахслар меҳроқибат ва раҳм-шафқат каби фазилатларнинг йўқлиги, маънавий қашшоқлик натижасида ваҳшийлик билан инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli жиноятларни содир этадилар. Илмий маълумотларга кўра, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг психологик мазмун ва моҳиятида шахснинг қизиқишлари ҳам ётади¹. Қизиқишлар инсон хулқ-атвори ва унинг мазмунини белгилайди ҳамда шахснинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишда фаоллигини таъминлайди.

Инсон хулқи мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, уни ўрганишда тизимли ёндашув ва эҳтимол тутилган жараёнлар ҳақидаги замонавий тасаввурларга эга бўлиш талаб қилинади. Ҳар бир ахлоқий ҳодисанинг моҳияти шахс хулқи билан бевосита боғлиқ.³ Анъанага кўра, ғайриижтимоий хулқ сабаблари икки гуруҳга – ижтимоий ва биологик сабабларга ажратилади. Бироқ, ахлоқ-одоб меъёрлари (қоида)дан оғувчи хулқнинг кўплаб кўринишларини таҳлил қилиш мазкур муаммони бошқачароқ, яъни тизимли-интеграциялашган (бирлашган) ҳолда ўрганиш зарур деган хулосага олиб келади. Ижтимоийлик ёки биологиклик омилларига «руҳийлик» номли тизим ҳосил қилувчи омилни киритиш ҳамда инсон хулқининг сабабий боғланишлари (детерминацияси) билан боғлиқ барча муаммолар мажмуини ижтимоийпсихологик-биологик сабаблар деб аташ зарур. Бунда «психологик» жиҳатнинг ўртада жойлашгани унинг ҳам ижтимоий, ҳам биологик омил учун бирлаштирувчи функцияга эгалигини англатади.

Ғайриижтимоий хулқ сабаблари ҳақида сўз борар экан, аввало, муаммони таҳлил қилишнинг асосий принципларини келтириб ўтамиз.

1. Ғайриижтимоий хулқ, нормадаги хулқ каби, кўп омилидир, у бир ёки ҳатто бир қанча сабабларнинг оқибати эмас. Бироқ, алоҳида олинган индивидуал ахлоқий кўринишнинг кўп омиллар билан боғлиқлиги ва эҳтимолли хусусияти уни ўрганиб бўлмаслигини билдирмайди. Бу ўринда шахснинг типик индивидуал-психологик хусусиятлари ва ахлоқий қарашларини аниқлаш устун аҳамиятга эга. Ижтимоий ва

3 Душанов Р. Х. Ҳуқуқбузар ва жабрланувчи шахс психологияси: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.

биологик омиллар ўз-ўзича эмас, балки жиноятчи хулқининг типини ҳосил қилувчи унинг шахсий-психологик хислатларида бирлашган ҳолда ғайриижтимоий хулқнинг аниқловчиларига айланади.

2. Ғайриижтимоий хулқ ижтимоий ижобий хулқдан йўналишининг мазмуни бўйича ҳам, психорегуляцион хусусиятлари бўйича ҳам ажралиб туради. Шахс хулқи унинг эҳтиёжлари, англандан ва англанданмаган майллари тизими, олдига мақсад қўйиш ва унга эришиш хусусиятлари билан ажралиб туради. Агар уни схема тарзида тасвирлайдиган бўлсак, қуйидагича кўриниш ҳосил қилади. Аксарият ҳуқуқбузар шахсларнинг хулқига ижтимоий қадриятларга мослаша олмаслик (дезадаптация) ва ўзини ўзи бошқаришдаги нуқсонлар ҳосилдир. Индивиднинг ўзини ўзи бошқариш имкониятлари паст даражада бўлганида, ғайриижтимоий майллари, одатлари нафақат назорат қилинмайди, балки уларнинг ўзлари хулқнинг мақсад ҳосил қилувчи механизмларига айланади.

3. Ғайриижтимоий хулқ индивиднинг ўз ижтимоий масъулиятини ҳимоя қилиш (ўзини оқлаш) мотивацияси, умум қабул қилинган ижтимоий қадриятларнинг қадрсизланиши асосида амалга оширилади. Инсон хулқи унинг эҳтиёжлари ва йўналганлик соҳаси, қабул қилган қадриятлар тизими, умум-инсоний маданиятдан баҳрамандлик даражаси билан боғлиқдир. Инсон ҳайвондан фарқли равишда қандайдир ягона хулқ тизимига маҳкум эмас, у кўп функциялидир. Унинг хулқини аниқ инстинктив (туғма) майллари эмас, балки ижтимоийлашув даражаси юзага келтиради.

Руҳий омиллар жиноят содир этилишида биринчи ўринга чиқади ва бу уларнинг биринчи сабаби эканлиги хусусидаги фикрни юзага келтиради. Аслида, руҳий омилларнинг ўзи жиноятчи шахси шаклланишининг ҳақиқий шароитларида юзага келади. Инсон хулқида ташқи омиллар тизими ички шарт-шароитлар тизими билан белгиланади. Шу боис ҳар бир жиноятда объектив ва субъектив омилларнинг бирлиги кўринади. Ҳеч бир ташқи омил ҳам, ҳеч бир ички ҳолат ҳам ўз-ўзича ахлоқий актни юзага келтирмайди. Профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар ишлаш фаолияти ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бўлиб Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасида қуйидаги тушунчалар келтириб ўтилган.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш — ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

2014-йил 14-майдаги Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг

3-моддасида ғайриижтимоий хулқ атворга таъриф берилган⁴ ғайриижтимоий хулқ-атвор — шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги; ҳуқуқбузарлик — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик); ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи — жисмоний, маънавий ёки мулкӣ зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс; ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс. Профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар ишлаш фаолияти кўплаб томфадаги шахслар билан ишлаши мумкин:

⁴ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2014-йил 14-майдаги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуни

1-Алкоголни махсулотлари истеъмол қилувчи шахслар , Мунтазам равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи ва шу алкоголь махсулотларга тобе бўлиб қолган шахслар , ушбу тоифадаги шахсларнинг иродаси бўш бўлиб ўз хатти-харакатларини ҳар доим ҳам назорат қила олишмайди .

2-Енгил табиатли аёллар ўзининг хулқ-атвори билан одоб ахлоқ қоидаларини бузувчи , шунингдек моддий манфаатни кўзлаган ёки кўзламаган ҳолда ўз танасини сотувчи аёл .

3-Илгари судланган аммо тузалиш йўлига кирмаганлар Суд томонидан жазо тайинланиб ижро этилган бўлишига қарамай бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган шахслар

4-Оилавий жанжалкашлар юқори даражада нотинч , ўзига ишонмаган ,жаҳли тез чиқувчи ва тез хулоса қилувчи,маънавий-ахлоқий тарбиянинг етарли бўлмаган ,ҳуқуқий билим савиясининг паст бўлган инсонлар .

Хулоса қилиб айтганда Ғайриижтимоий хулқ атворли шахслар билан якка тартибдаги профилактика, яъни ижтимоий муносабатларда муаммоларга дуч келаётган шахсларнинг ҳолатини яхшилаш учун олиб бориладиган тадбирлар жуда муҳимдир. Бу профилактика турли усулларни ўз ичига олад ива унинг асосий мақсадлари ғайриижтимоий хулқ атворнинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида маълумот бериш, шахсларнинг ўз хулқ-атворини тушунишини таъминлаш, психологик маслаҳатлар ва терапия орқали шахсларнинг ички муаммоларини ҳал қилиш, уларнинг ижтимоий кўникмаларини ривожлантириш, ғайриижтимоий шахсларни ижтимоий муҳитга интеграция қилиш, уларни жамоа фаолиятига жалб қилиш, ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш учун махсус дастурлар ташкил этиш, уларнинг ижобий хулқ-атворини рағбатлантириш.

Ушбу профилактика тадбирлари индивидуал равишда амалга оширилиши мумкин, шунингдек, гуруҳларда ҳам олиб борилиши мумкин. Мақсад – ғайриижтимоий хулқ-атворни камайитириш ва шахсларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлашдир.

Фойдалиниланган адабиётлар:

1. Хўжақулов С.Б. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти: Ўқув қўлланма. – Т., 2017. – Б.63-69.
2. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 3 том. Ташкент. 2011. Б.83. 4. Қушбоқов, Ш. (2022, September). Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни. In Международная конференция академических наук (Vol. 1, No. 27, pp. 16-20).
3. Зацепин А. М. Дополнительная квалификация преступления. Общие и специальные вопросы: монография. –М.: Проспект, 2017. – 304 с.; Козаченко И. Я. Уголовное право. Особенная часть. Практикум: учебное пособие для бакалавриата и специалитета / И. Я. Козаченко [и др.]: ответственный редактор И. Я. Козаченко. – Москва:Издательство Юрайт, 2019. – 263 с
4. Безручко Е.В. Уголовная ответственность за причинение вреда здоровью: дис канд. юрид. наук. – М., 2001. С. 33 6. Тищенко Е.В. Уголовно-правовая и криминологические характеристики умышленного причинения тяжкого вреда здоровью: дис. канд. юрид. наук.- Ростов н/Д., 2001.- С.45.
5. Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.
6. Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

7. 7.Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 22.11.2024 й., 03/24/1004/0948-сон.
8. Қушбоқов Ш Т. Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.
9. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
10. Алтмишев Т., Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – С. 112-114.
11. Қушбоқов Ш Т. Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.
12. Qushboqov S. Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
13. Qushboqov S. Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.
14. Қушбоқов Ш С. М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.
15. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
16. Рустамов С. Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – С. 10.
17. Aymaxanovich, Kalauov Saydulla, Allayarov Nurmanbet Urazimbetovich, and Qushboqov Shohrux Xasan o'g'li. "Yo'l-transport hodisalarini oldini olish faoliyatini takomillashtirish." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.1 (2024): 157-160.
18. Qushboqov S., Xalilov J. Ma'muriy Jazo Tushunchasi, Maqsadi Va Turlarining Mazmun-Mohiyati //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 7-12.
19. Qushboqov S., Jumashev O. Huquqbuzarliklar profilaktikasida deputatlik va parlament nazoratining o'rni //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 54-56.
20. Qushboqov S. X. Usipbekov NJ Yurtimizda mahkumlarni ozodlikka tayyorlashda amalga oshirilgan islohotlar va ulardan kutilayotgan natijalar //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 179-182.
21. Qushboqov S., Tilabov S. Kiber jinoyatlardan saqlanishda umumiy profilaktikani o'rni //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 18. – С. 67-69.
22. Қушбоқов Ш. Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истиқболи //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 114-117.

23. Охунов З., Кушбоцов Ш. ТТСЭ (2022). Хуццбuzарликларни олдини олишга оид айрим мулох, азалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
24. Qushboqov S. Isroilov D. Profilaktika inspektorining huquqbuzarliklar profilaktikasida adliya organlari bilan xamkorligi tushunchasi //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 23. – С. 96-103.
25. Qodirjonovich J. Z., O'G'Li Q. S. X. Bir guruh shaxslar tomonidan axborot texnologiyalardan foydalanib sodir etilgan firibgarlik va o 'g 'rilik jinoyatlarining sodir etish usullari va ularni tergov qilishga oid ayrim mulohazalar //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 5. – С. 137-144.
26. Qushboqov S. Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
27. Qushboqov S. Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.
28. Қушбоқов Ш С. М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбuzарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбuzарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.
29. Охунов З. М., Қушбоқов Ш. Х. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбuzарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
30. Qushboqov S. Narsani musodara qilish jazosini ijro etishning ilmiy-nazariy tahlili //Развитие педагогических технологий в современных науках. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 79-83.
31. Кушбоков Ш. Сущность понятия и виды административного взыскания //Общество и инновации. – 2024. – Т. 5. – №. 6. – С. 418-423.
32. Кушбоков Ш. Научно-теоретический анализ исполнения наказания в виде возмездного изъятия предмета //Общество и инновации. – 2025. – Т. 6. – №. 1/S. – С. 87-90.